

## F<sub>1</sub> ДУРАГАЙЛАРНИНГ ТОЛА ЧИҚИМИ ВА УЗУНЛИГИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

\*Ахмедов Джамалхан Ходжаханович

**Б.ф.д., профессор,**

\*Джабборов Жамолiddин Сирожиддинович

**Таянч докторант**

\*Таджибаев Бахтияр Мусажонович

**Катта илмий ходим**

\*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари

**илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон**

\*\*Ахмедов Джаббархан Джамалханович

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,**

**катта илмий ходим,**

\*\*Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон

\*\*\*Мирхамидова Гавҳарой Махмуджоновна

**Таянч докторант.**

\*\*\* Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари илмий-тадқиқот  
институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10472952>

**Кириш.** Маълумки, республикамизда соҳалар бўйича катта ўзгаришлар кузатилмоқда, жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам кластер тизими фаолият юритмоқда. Бунда кластер ажратилган ер эгаси бўлиб, экинларни жумладан ғўзани экиб, парваришлаб, етиштирилган ҳосилни тўлиқ териб олиб, қайта ишлаб калава ип ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб ўзи сотиш ҳуқуқига эгадир. Шу борада кластерларни бугунги кундаги пахтачиликдаги талаби янги яратилган ғўза навлари авваламбор тезпишар, серҳосил, айниқса тола чиқими ва сифати юқори бўлиши талаб этилади ҳамда нафақат кластер балки ишлаб чиқариш, енгил саноат ва жаҳон бозори талабларига ҳам жавоб бериш лозимдир. Ундан ташқари етиштирилган ҳосилни ўз вақтида юқори синфларда машинада териб олиш учун нав машинабоп бўлиши ҳам талаб этилади.

Ж.Ахмедовнинг [1] олиб борган тажрибаларига кўра, тола узунлиги белгиси тўлиқ бўлмаган устунликда ирсийланади. *G.hirsutum L.* ва *G.Barbadense L.* турлари ўзаро частиштирилганда, биринчи авлодда узун толали навни тўлиқ устинлиги кузатилган.

С.Р.Раҳмонқулов ва бошқалар [2] томонидан тажриба таҳлиллари натижасига кўра, тола узунлиги F<sub>1</sub> оддий дурагайларда ижобий гетерозис ҳолатда ирсийланишини аниқлаганлар.

Д.Тўраева, Ш.Ибрагимовларнинг [3] таъкидлашича узоқ шакилларни дурагайлашда маҳсулдорлик ва тола индекси белгиларини ўрганишган. Австриянинг Auburn-M, Brojers, Deltanne ва махаллий C-8284, Чарос ва Омад ғўза навларида ҳосил элементлари сони кўплиги кузатилган. Улардан фойдаланиб юқори тола индекси ва маҳсулдор тизмалар ажратиб олинган.

Пахта толасини сифати унинг қатор хоссаларга қараб белгиланади, шулар ичидан муҳимларидан бири бу микронеери. пишиқлиги. мустаҳкамлиги, тола чиқими ва узунлиги ҳисобланади. Шунинг учун тола узунлиги, чиқими, индекси, микронеёри ва бошқа сифат белгиларини ўрганиш ғўза генетикаси ва селекциясида муҳимдир[4].

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда биз юқори тола чиқими ва сифатига эга бирламчи ашёларни яратишда тезпишар, серҳосил, тола чиқими юқори бўлган нав ва

тизмаларни танлаб олиб чатиштириш ишларини олиб бордик. Ажратиб олинган 15 та дурагайларни тола чиқими ва узунлиги белгиларини андаза С-6524 навига нисбатан тақослаб ўргандик.

**Тадқиқот объекти ва услублари.** ПСУЕАИТИнинг вилт билан табиий зарарлантирилган тажриба майдонида ўтказилган илмий кузатувлар доирасида 2021 йилда чатиштириш учун тезпишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати ҳамда йигирувчанлик хусусиятлари юқори бўлган 8 та нав ва тизмалар танлаб олинди. Шундан 4 та оталик сифатида тезпишар, ҳосилдор бўлган С-8290, Омад, С-2120, МТЧ-2736 ҳамда “Толанинг технологик сифатларини ўрганиш” лабораторияси ходимлари томонидан яратилган толасининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган СП-2531, СП-2532 ғўза навлари ва К-2712, БАХ-100 тизмаларини оналик сифатида олинди.

**Олинган натижалар.** Дунёда ғўза асосан тола учун етиштирилади. Тола ҳосилдорлиги бўйича етук пахта етиштирувчи давлатларда тола ҳосилдорлиги 14-15дан 16-18 ва удан ҳам юқори ц/гани ташкил этади. Улар асосан юқори тола чиқими ва ҳосилдорлигига эга ғўза навларини етиштириш ҳисобига оладилар. Биз ўз олдимизга қўйган мақсадимиз бўйича барча F<sub>1</sub> дурагайлар бўйича 2022 йилда олиб борилган илмий тадқиқот натижасида, олинган 15 та дурагайларни тола чиқими андоза навига нисбатан 1,3 % дан 8,3 % гача юқори бўлган. Ўрганилган 15 та дурагайларнинг 8 тасини тола чиқими 38,2 % дан 41,1 % гача бўлган, 6 ва 14 рақамли дурагайларни тола чиқими эса 40,9 % ва 41,1% ни ташкил этган.

**F<sub>1</sub> дурагайларнинг тола чиқими ва узунлигининг кўрсаткичлари**

№	Нав ва дурагайлар	Тола чиқими, %	Тола узунлиги, мм
1	С-6524 (st)	32,8	32,3
2	F <sub>1</sub> СП-2531хС-8290	37,7	34,4
3	F <sub>1</sub> СП-2531хОмад	37,7	31,9
4	F <sub>1</sub> СП-2531хС-2120	34,1	33,6
5	F <sub>1</sub> СП2531хМТЧ2736	39,3	35,1
6	F <sub>1</sub> К-2712хС-8290	40,9	35,0
7	F <sub>1</sub> К-2712хОмад	38,2	34,4
8	F <sub>1</sub> К-2712хС-2120	39,3	34,2
9	F <sub>1</sub> К-2712хМТЧ-2736	37,6	34,1
10	F <sub>1</sub> БАХ-100хС-8290	36,8	32,9
11	F <sub>1</sub> БАХ-100хОмад	37,3	33,4
12	F <sub>1</sub> БАХ-100хМТЧ736	39,1	33,6
13	F <sub>1</sub> СП-2532хС-8290	37,3	34,6
14	F <sub>1</sub> СП-2532хОмад	41,1	32,2
15	F <sub>1</sub> СП-2532хС-2120	39,4	32,7
16	F <sub>1</sub> СП-2532хМТЧ-2736	38,6	33,8

Етиштирилган толадан юқори сифатга эга матолар олишда тола узунлиги ва алоҳида ўрин тутати чунки тола узунлиги унинг майинлигини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Гарчи андоза С-6524 навининг тола узунлиги юқори бўлишига қарамай

ўрганилган 15 та дурагайдан 3, 14, 15 рақамли дурагайнинг тола узунлиги паст бўлиб, 31,9 мм дан 32,7 мм гача, қолган 12 та дурагайларни тола узунлиги 0,1 мм дан 2,3 мм гача узунроқ бўлган. Бунда F<sub>1</sub> СП-2531 x C-8290, F<sub>1</sub> СП2531 x МТЧ2736, F<sub>1</sub> К-2712 x C-8290, F<sub>1</sub> К-2712 x Омад, F<sub>1</sub> К-2712 x МТЧ-2736 ва F<sub>1</sub> БАХ-100 x C-8290 дурагайларда тола узунлиги 34,1 мм дан-35,1 ммгача бўлганлиги кузатилди

**Хулоса.** Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тола чиқими ва узунлиги бўйича куйидаги F<sub>1</sub> СП-2531xС-8290, F<sub>1</sub> СП-2531xС-2120, F<sub>1</sub> СП-2531xС-2120, F<sub>1</sub> СП-2531xМТЧ-2736, F<sub>1</sub> К-2712xС-8290, F<sub>1</sub> К-2712xОмад, F<sub>1</sub> К-2712xС-2120, F<sub>1</sub> К-2712xМТЧ-2736, F<sub>1</sub> БАХ-100xОмад, F<sub>1</sub> БАХ-100x МТЧ-736, F<sub>1</sub> СП-2532xС-8290 ва F<sub>1</sub> СП-2532xМТЧ-2736 дурагайларни кейинги авлодларни ўрганиш ва ушбу дурагайларни юқори тола чиқими ва узунлиги бўйича донор сифатида чатиштириш учун тавсия этилади.

**Реферат.** В данной статье приводятся результаты по созданию скороспелых, с высокой урожайностью хлопка и волокна, а также с высоким качеством волокна первичного материала хлопчатника. В результате проведенных исследований 15 гибридных потомств, отобраны 8 гибридов по длине волокна и 12 гибридов по выходу волокна превосходящих не только стандартный сорт, но и отвечающие вышеуказанным требованиям. Эти гибриды рекомендованы для дальнейшего изучения и как доноры для использования в селекционных целях.

**Abstract.** This article presents the results on the creation of early-maturing, high-yielding fibers and cotton yields, as well as high-quality fibers of the primary cotton material. As a result of the studies of 15 hybrid offspring, 8 hybrids were selected in terms of fiber length and 12 hybrids in terms of fiber yield, which not only exceeded the standard variety, but also met the above requirements. These hybrids are recommended for further study and as donors for breeding purposes.

### References:

1. Ахмедов Ж.Х., Чориева Х.Д., Қодирова Д.Н., Очилдиев Н.Н. Янги яратилган ўрта ва ингичка толали ғўзани навлари ва тизмаларнинг тола сифати кўрсаткичлари // “Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда ривожлантириш босқичлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, Тошкент. 2018, -Б.114-116
2. Раҳмонқулов С.Р., Холмуродова Г.Р., Намозов Ш.Э., Тошматова М.Ш. Конвергент ғўза дурагайларининг тола сифати // “Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами.-Тошкент-2009. –Б 349-351
3. Тураева Д, Ибрагимов Ш. Результаты отдалённой гибридизации по урожайности и индексу волокна // O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI / №5, -Тошкент. 2018, -Б.34
4. Пахтачилик маълумотномаси // - Тошкент. “Фан ва технология”, 2016, -Б. 158-160.